



Навоийнинг шеъриятида Куръон оятлари ва хадислар маъноларининг талкини хақида бир канча илмий ишлар яратилди ва яратилмоқда. Чунки, бу масала бир муддат адабиётшуносликнинг “манъ этилган” мавзуларидан эди, Холбуки, Навоий шеъриятида қўлланилган иктибос, акд, талмех, тамсил, истиора, ишора каби маънавий санъатлар Куръон оятлари ва пайгамбар хадислари маъносига ишорат қилиш орқали шеърга полифоник рух бағишлаш, маъно катламдорлиги ва сўз залворини ошириш, ўқувчини ранг-баранг маънолар оламига нозик баён воситасида раҳнамолик қилиш ва уларга такрорланмас эстетик завқ бағишлаш йўлида ҳосил бўлган. Умумий тарзда олганда, Навоийнинг барча шеърларини диний-тасаввуфий йўсинда шархлаш мумкин. Сўнгги йилларда бунга қайсидир маънода мойиллик ҳам сезилмоқда. Факатгина Навоийни эмас, хатто тасаввуф ва ирфон кўчасидан ўтмаган айрим замондош шоирларнинг шеърларини ҳам ислом фалсафасига боғлаб тушунтиришга уринишлар кўзга ташланмоқда. Шунинг учун, ҳар бир байтни таҳлил қилишдан олдин унинг таркибий қувватига диққат билан назар солиш, манбаларини аниқлаш ва тўғри талкин қилиш Навоий тафаккур дунёсига йўл очиб беради. Мисол тариқасида мана бу байтни олайлик:

Чу Ҳак дедики маъал-усри юср мужда санга,
Не шиддат ўлса аён кил талаб сўнгинда фараж

Ҳак таоло Шарх сурасининг 5-6 оятларида шундай буюради: Инна маъал ъусри юсро. Фаинна маъал-ъусри юсро. (Бас, албатта ҳар бир огирлик-машаккат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. Албатта ҳар бир огирлик машаккат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир). Юкоридаги оятларда ҳар бир машаккатдан кейин эмас, балки айни ўша машаккат билан бирга енгиллик борлиги икки бор таъкидланган. Буни икки хил тушуниш мумкин. Биринчиси – ҳар бир кийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадики, гўё улар иккиси бирга, ёнма-ён тургандек бўлади. Бас, демак, кийинчиликка рўбарў келганда ноумидликка тушишининг асло ҳожати йўқ. Иккинчи маъно–бир кишининг бошига имон-эътиқоди сабабли бирон огирлик тушса, у киши харғиз бундан ранжимаслиги лозим. Зеро у охиратдаги осонликка, мангу саодатга айни мана шу дунёда тортаётган кийинчилиги шарофати сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган

муваккат машаккатнинг ўзида унинг учун мангу бахт-саодат бор экан.

Навоий байтнинг вазнига мувофиқлаштириш учун оятларнинг эмоционал таъсирини кўпайтирувчи фа ва инна юкламалари ҳамда тушум келишигини белгиловчи алифни кискартиради. Иккинчи мисрада оятнинг мазмунидан келиб чикиб, хар кандай шиддат-мусибат зоҳир бўлганда охиригача талаб йўлидан огишмасликка ундайди. Байтнинг кофиясини таъминловчи фараж сўзи машхур ва маълум бўлган Ас-Сабру мифтоҳ ул-фараж (Сабр шодликлар калитидир) хадисига ҳам ишоратдир. Аммо бу байтда собирлик хақида эмас, балки талаб хақида сўз боради. Талабнинг сабрга ва сабр хақидаги хадисга нима алоқаси бор?

Одатда, собирлик деганда, мусибат ва мушкулларда бардошли бўлиш тушунилади. Аммо сабрнинг маъно камрови ниҳоятда кенг бўлиб, нафс куткусига учмаслик, Аллоҳ қазосига ризолик бошини кўймоқ, яхши холлар шукронаси, ёмон холлардан изтироб чекмаслик ва умидсизланмаслик бу тушунчанинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Тасаввуфда хадис ва оятларни таъвил усулида шархлаш уларнинг моҳиятини очиб беришда энг самарали усуллардан ҳисобланади. Аммо таъвилда ҳам оят ва хадисда рамзийлик, шартлилик хаддан ташқари чуқурлаштирилса, уларнинг туб моҳиятига етиш йўли ҳам шунча узоклашади. Колаверса, хадис ва оятлар, энг аввало, одамларнинг ҳаётий талаблари, яшаш тарзи муаммоларига жавоб, тўғри йўлга хидоят топганлар дастуруламалидир. Шунинг учун, оят ва хадисларни талкин қилишда, энг аввало, ҳаёт билан мустаҳкам боғланган, воқелик муаммолари ёритилган ва башарият қисматидан озикланган руҳоний ҳодиса сифатида қараш лозим. Акс ҳолда, “Энг улуг жиход – золим амирнинг олдида айтилган Ҳак Сўздир” хадисини “Золим амирдан мурод – инсоннинг нафсидир; мазкур хадисда инсоннинг нафси қарши қураши энг улуг жиход дея таърифланган” каби асл матндан анча узок талкинлар одамларнинг ҳақиқатга бўлган эътиқод ва ишончини заифлаштириши ҳеч гап эмас. Қундалик ҳаётда ҳўрликларга чидаш, кадр ва ҳак-ҳуқуқлар поймол бўлишларга таҳаммул қилиш, қўрқув ва қатъиятсизлик, заифлик ва мутелик юзига сабрдан ниқоб тортишади. Аммо сабр – куллик ва қарамликнинг бир қўриниши эмас. Сабр – муайян воқеа ё ҳодиса натижасида бир-бири билан ихтилофда бўлган туйғу ва кечинмалардан юзага келадиган инсоний фазилат. Бир умр ҳақиқат йўлида собитлик ила қурашган Навоий ҳам бу йўлнинг оғирлик ва машаккатлари, эзгу мақсад-муддаоларга эришишнинг қийинчиликлари, нафс деган ашаддий душмани бор қўнгил ҳамма вақт ҳам бу қийинчиликларга чидамасдан, маҳзун бўлиши ва ҳатто айрим холларда, ирода заифлик қилиб, виждонга ҳилоф иш тутиш ҳолатларига ошно бўлган. Дунёнинг барча ишларига басират қўзи билан назар солишга ўрганган шоир хар кандай ҳолатда эзгулик талаби йўлидан чекинмаслик, шу орқали гўзал сабр – қўнгилнинг изтироб ва умидсизликдан ҳоли бўлиши, хар кандай шадид мусибат ва қулфатларга бардош бериши, алалоқибат, сурур ва шодликка эришиш лозимлиги, бу йўл оғир бўлганига қарамасдан, Ҳак таоло ва унинг расули томонидан хидоят қилинган йўл эканлигини оятлар ва хадис ёрдамида асослаб берган. Сабрнинг факат назарий аҳамиятигини эмас, балки амалий жихатини ҳам ёритиб берувчи муборак хадис ёрдами билан Навоий ояти қариманинг иккала маъносини шеърда инъикос этишга эришганким, бу муваффақият факат улуг сўз санъаткорларгагина насиб этади.

Олимжон Давлатов,
“Мумтоз филология”
кафедраси тадқиқотчиси